O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 июн чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 120 (2682)



1995 йилнинг 14 июни. Ушбу тарихий сана-да Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

(Сурат архивдан олинди).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Раис Цзян Цзэмин Жаноби Олийлари,

Ҳурматли давлат раҳбарлари ва делегациялар аъзолари!

Аввало, Ўзбекистон делегацияси номидан сиз, саммит қатнашчиларини қутлаш ва барча давлатлар раҳбарлари ҳамда уларнинг тимсолида мазкур мамлакатлар халқларига самимий эҳтиром изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Беш мамлакат раҳбарларининг биринчи учрашуви Шанхайда бўлгани чуқур рамзий маънога эга. Негаки, назаримда, бугун айни шу ерда дунё сиёсий тарихига кирадиган муҳим халқаро воқеа рўй бермоқда — янги минтақавий тузилма — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солинмоқда.

Ўзбекистон мазкур форумнинг фаолиятини юқори баҳолайди. У ўзининг тадрижий ривожланиш жараёнида фақат чегарагагина оид масалаларни ечиш билан шуғулланадиган гуруҳдан, диққат марказида хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодий ва бошқа турдаги ҳамкорлик масалалари турган ташкилотгача бўлган йўлни босиб ўтди.

**Биз Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, биринчи галда, халқаро террор, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарга қарши туришда очиқ, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми, деб биламиз.**

Бугун Шанхайда нуқтаи назари ва сиёсати Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир этадиган давлатлар вакиллари йиғилгани алоҳида қониқиш ҳиссини уйғотади.

**Шанхай бирлашмаси доирасида давлатлараро ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, мазкур бирлашма фаолиятининг асосини сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-техникавий жиҳатдан қудратли, айни пайтда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган икки буюк давлат — Россия ва Хитой ташкил этаётгани ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлаш учун барча асос бор, деб ҳисоблаймиз.** Бу давлатларнинг аҳамияти ва таъсир доираси инобатга олинса, уларнинг сайёрамиздаги турли минтақалар, жумладан, Марказий Осиёдаги стратегик табиий манфаатлари тўла намоён бўлади.

Табиийки, **Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлигига** минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қараймиз. Бу давлатлар ўтган йиллар давомида ҳам икки, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик борасида анчагина тажриба тўплаган.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

**Ўзбекистон, таъсисчи ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида, онгли равишда Шанхай ташкилоти билан ҳамкорликка киришмоқда.** Бу қарор қабул қилинишида нафақат манфаатлар муштараклиги ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг бир хил баҳоланиши, балки аъзо давлатлар мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун биргаликда қатъий курашга тайёрлиги катта аҳамиятга эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## МЭРИЛЕНД УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭЪТИРОФИ



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШдаги обрўли таълим муассасаларидан бири — Мэриленд университетининг Фахрий ёрлиғи ва Нишони билан тақдирланди.

19 июн куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Мэриленд университети президенти Даниэл Моут ушбу мукофотларни мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди. Д.Моутнинг таъкидлашича, университетнинг маъмурияти таълим, маданият ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда жамият тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримовни ана шундай тақдирлашга қарор қилган. Айни пайтда давлатимиз раҳбари бу юксак мукофотга сазовор бўлган биринчи шахсдир.

Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун университет аҳлига миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов университет президенти Д.Моут бошчилигидаги делегация аъзолари билан мулоқот чоғида таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш давр талаби бўлиб қолаётганини таъкидлади.

— Сиёсат, иқтисод ёки бошқа соҳа бўйича ҳамкорлик ўз йўлига, лекин таълим соҳасидаги алоқалар янада муҳимроқ аҳамиятга эга, — деди жумладан мамлакатимиз раҳбари. — Таълим ўзаро ҳамкорлик ривожида ҳам, ялпи тараққиётда ҳам муҳим ўрин тутадиган асосий омилдир. АҚШнинг бугунги тараққиёти, демократия борасидаги муваффақиятлари ҳаммаси таълим туфайли, деб ўйлайман. Биз ҳам юртимизда таълимни ривожлантириш орқали шундай натижаларга эришамиз.

Учрашувда таълим соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини янада мустаҳкамлаш кераклиги таъкидланди.

Хусусан, ўзбекистонлик ёшларнинг "Умид" жамғармаси орқали АҚШ олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтаётгани ҳамкорликнинг муваффақиятли натижаларидан биридир.

Мэриленд университети билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Масалан, университет АҚШ Давлат департаменти билан биргаликда Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш лойиҳасида иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида Тошкент, Бухоро ва Наманганда таълим-маслаҳат марказлари очилди, ўзбекистонлик мутахассислар Мэриленд университетининг қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлимларида малака оширмоқда.

Шунингдек, университет раҳбариятининг Ўзбекистон билан ахборот технологияларини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш борасидаги қизиқиши эътиборга молик. Делегация аъзолари билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида мамлакатимизда Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази яратиш ҳамда масофадан туриб ўқитиш борасида эришилган келишувлар университетнинг Ўзбекистонга қизиқиши кучлилигидан далолат беради.

Мэриленд университети нафақат АҚШ, балки дунёдаги нуфузли таълим муассасалари қаторида туради. Хусусан, университет ахборот технологиялари, интернет ва коинот тадқиқотлари билан машҳур. Университетнинг бир йиллик бюджети салкам бир миллиард долларга тенг.

(ЎзА).

**СУРАТДА:** учрашув пайти.
Муҳаммад АМИН олган сурат.

*Шу сонга хабар*

## ХОРАЗМ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз вилоят, туман ва хўжаликлари бирин-кетин давлатга ғалла сотиш йиллик шартнома режасини бажармоқда. Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам шундай маррани эгаллаб, давлат омборларига 40 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб берди. Ушбу муваффақиятга Хонқа, Ҳазорасп, Гурлан ва Янгибозор туманлари ғаллакорлари катта ҳисса қўшди.

Сув танқислиги ва табиий қийинчиликларга қарамай, хоразмлик деҳқонлар мардонавор меҳнат қилди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Замонавий, иш унуми юқори бўлган комбайнлардан фойдаланилгани давлат буюртмасини ўн бир кун ичида бажариш имконини берди.

Ҳали вилоят далаларида ҳосил мўл. Деҳқонлар давлат хирмонига қўшимча уч минг тонна ғалла топширишга аҳд қилган.

(ЎзА)



## Иш ҳақи далада берилаяпти

### «Ғаллабанк» мавсумнинг фаол иштирокчиси

Ғаллачилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим ва ривожланиб бораётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳага алоҳида эътибор берилаётгани, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги боис юқори натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Сурхондарё вилояти ғаллакорларига йўллаган табриги тармоқ ходимларини руҳлантириб юборди.

(Давоми 2-бетда).

## Асрга татигулик йиллар

Мустақилликнинг тўрт йиллигига Ўзбекистон «рўзғори»ни ҳар жиҳатдан бутлаб, бошқалардан қарзи бўлмаган ҳолда кириб келди. Ўша йили дон мустақиллиги учун чинакам кураш бошланди, олтин конларининг самарасини ошириш учун янги қадам қўйилди, она-Ватан тупроғида янгидан темир йўллар қуриш сари ҳаракатга тушилди.

Айниқса, 25 майда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг ишга туширилиши йилнинг шонли воқеасидир.

МДҲда ягона ва энг йирик бўлган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси лойиҳасининг қисқа муддат ичида якунланиши Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар дастурида юртимизнинг бой табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи устувор йўналиш ҳисоблангани бежиз эмас эди. Зеро, 1992 йилнинг баҳорида иқтисодий қийинчилик, миллатлараро муносабатлар кескинлашган, турли сиёсий ўйинлар авж олган бир пайтда Юртбошимиз олтин ишлаб чиқариш саноатини ислоҳ қилишдек мушкул ва серчиқим вазифани қатъият билан ўз зиммасига олганди. Орадан кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамаси нафақат Навоий кон-металлургия комбинатини, балки бутун Зарафшон-Учқудуқ саноат минтақасини ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган кенг қамровли қарор қабул қилди.

Бугун собиқ Шўролар даврида чиқитга чиқариб ташланган миллион-миллион тонна ҳажмдаги иккиламчи хомашё «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасида қайта ишланиб, ундан соф олтин ажратиб олинмоқда. Ўтган уч-тўрт йил ичида 50 тоннадан зиёд юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргани, рентабеллик 30 фоизни ташкил этгани «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг салоҳиятини ўзида тўла намоён этади.

Бу мустақил тараққиёт йўлида халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, фидойилиги, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган доно сиёсати натижасида эришган иқтисодий ютуқларимиздан биридир.

Бу минглаб янги иш ўринлари, турмуш фаровонлиги ва мамлакат салоҳиятининг янада ўсиши демакдир.

**«Менинг ҳаётимда ҳаяжонли дақиқалар, унутилмас воқеалар кўп бўлган. Аммо 1995 йилнинг 14 июни ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак, — дейди Ислом Каримов. — Чунки худди шу куни Учқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ишга туширилган эди.**

**Мен ўшанда мана шу саховатли заминимиз қаъридан қазиб олинган олтин ёмбиларини икки қўлимга олиб, бошим узра баланд кўтарар эканман, диёримиз чексиз бойликларга эга эканидан, бу бойликларни мустақилликка эришганимиз туфайли халқимизнинг фаровон турмуши ва бахт-саодати йўлида ишлатиш имкони туғилганидан юрагим ғурур ва ифтихорга тўлди.**

**Бундай туйғулар ўша дамда кўпчиликнинг, бутун элимизнинг кўнглидан ўтган, десам, ўйлайманки, адашмаган бўларман».**

1995 йилнинг муҳим воқеалари ҳақидаги батафсил ҳикоямиз билан газетанинг учинчи саҳифасида танишасиз.

МУСТАҚИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙЎЛ

***Ўзбекистон Фанлар академиясида Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланиб ана шундай мавзудаги икки кунлик илмий-амалий анжуман бошланди.***

## Ўзбекистон фани: ўтмиш, бугун, келажак

Анжуманни Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўзининг "Миллий истиқлол ғояси ва тараққиётнинг ўзбек модели" мавзуидаги маърузасида юртимизда истиқлол йилларида фан соҳасида амалга оширилган улкан ишларга батафсил тўхталди. Сир эмаски, истиқлолга эришганимиздан кейин қолоқ иқтисодиётли тузумдан тараққий топган демократик жамиятга ўтиш йўлини тутдик. Ана шу жараёндан жамиятни турли силкинишлардан асраган ҳолда, босқичма-босқич олиб ўтиш муҳим аҳамият касб этди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш муҳим тамойилга асосланган ҳолда амалга оширилаётган ислоҳотлар "ўзбек модели" сифатида бугунги кунда бутун жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси раҳбари Г.Саидова анжуман иштирокчилари эътиборини ана шу масалаларга қаратди.

Анжуманда етакчи мутахассис олимлар, халқ хўжалиги тармоқлари раҳбарларининг ўттизга яқин маърузаси тингланди. Илм-фаннинг ҳозирги кундаги энг долзарб йўналишлари, жумладан, миллий истиқлол ғояси, ўзбек давлатчилиги генезиси ва тараққиёти, шунингдек, интернет тармоғидан самарали фойдаланишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Олий Мажлисда*

## Аёл ва экология

### муносабатларида мувозанатга эришиш ногиронликнинг олдини олиш омилларидан биридир

Атрофимизни ўраб турган табиат манзаралари кишига қанчалик кайфият, руҳият бағишлашини кўпда ҳис этмаймиз. Балки шу боисдандир билиб-билмай бундай табиий гўзалликка озор бериб қўйганимизни сезмай қоламиз. Бугунги кунда инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш, инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш муаммолари долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ташаббуси билан кеча Олий Мажлисда «Аёл ва экология: ногирон болалар туғилишининг сабаблари ва унинг олдини олиш масалалари» мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова анжуманни очар экан, экологик муаммоларнинг амалий тарздаги ечими жамият истиқболида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Ўсиб келаётган қизлар, туғиш ёшидаги аёллар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштиришда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилляпти. «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида Тошкент шаҳрида республика Скрининг маркази ва вилоятларда унинг тўққизта минтақавий бўлимлари ташкил этилди. Ҳозир улар фаолият кўрсатмоқда. Республика бўйича туғиш ёшидаги барча аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, улар ўртасида экстрагенитал касалликлар аниқланди. Амбулатор-стационар шароитларда соғломлаштириш ишлари олиб борилляпти.

Конференция ишида «Экология, оила ва ногиронлик муаммолари», «Ҳомиладорлик даврида туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш муаммолари», «Оилада соғлом фарзандлар туғилишининг ижтимоий омиллари», «Ўзбекистонда йод етишмовчилиги ҳолатлари ҳамда унинг аёллар репродукцив саломатлигига салбий таъсири» каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Музокара қатнашчилари фарзандларимизнинг соғлом бўлиб туғилиши, вояга етишида экологик-ҳуқуқий тарбиянинг нечоғли муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Атроф муҳитнинг, тоза ичимлик суви, ҳавонинг мусаффолиги, санитария-эпидемиология назоратининг доимийлигини таъминлаш муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил эканлигига ҳам тўхталдилар. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Конференция ишида Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова ўз маърузаси билан иштирок этди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*XXI аср спорти*



## Африкада ўзбекча гапиришади

Ишонмайсизми? Унда шу йилнинг 2-5 июл кунлари марказий газеталарни, телевидение ва радиони кузатиб боринг. Жанубий Африка Республикасининг Хартенбос шаҳрида бўлиб ўтадиган кураш мусобақаси иштирокчиларининг "ҳалол", "чала", "ёнбош", "дакки", "ғирром" каби ўзбекча сўзларни талаффуз этганининг гувоҳи бўласиз. Агар вақт топиб қора қитъанинг жанубий сарҳадларига сафар қилсангиз, нур устига аъло нур бўларди. Зеро, бу ерда кураш тушадиган Тунис, Миср, Кения, Германия, Голландия, Бразилия, Боливия сингари жами 48 та давлатнинг алп йигитлари баҳс бойлашини бевосита кузатиш ҳар қачон ҳам насиб этавермайди.

Халқаро кураш ассоциацияси матбуот котиби Зулхумор Рўзиеванинг маълум қилишича, Африка кураш ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилаётган мазкур беллашувда 73, 81, 91 килограмм ва мутлоқ вазндаги полвонлар майдонга чиқади. Шуниси эътиборлики, 63 килограмм вазн тоифасида курашчи қизлар ҳам ғолиблик учун гиламга тушишади.

Қаранг, миллий спортимизнинг халқаро миқёсга чиқиши билан тилимиз, маданиятимиз ҳам ўзга элларга кириб бормоқда. Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи арафасида бундай хушхабардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Инчунун, Истиқлол туфайлигина ўзбек кураши дунёга юз очганди.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Демократик фуқаролик жамияти

### уни шакллантириш ва ривожлантириш асосий мавзу

Европа парламентининг Марказий Осиё давлатлари ва Монголия билан алоқалар бўйича делегациясининг мамлакатимиздаги учрашувлари, ҳамкорликдаги йиғилишлари давом этаяпти. Барт Стаес раҳбарлигидаги мазкур делегациянинг кеча Ўзбекистон банклари ассоциациясида республика ноҳукумат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унинг аъзо давлатлари ўртасидаги Шерикчилик ва ҳамкорлик битимининг вазифаларидан бири — Ўзбекистонда қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамияти барпо этилишига кўмаклашишдир. Шу боис ҳам учрашувнинг асосий мавзуси Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов Европарламент делегацияси аъзоларига мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш борасидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳаллаларнинг ҳамда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш йўлида қилинаётган ишлар хусусида тўхталди. Республикамизда давом этаётган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови натижалари билан таништирди.

Учрашувда фуқароларнинг, ноҳукумат ташкилотларининг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, минтақадаги экологик муаммолар ечимини топиш, уларни ҳамкорликда бартараф этиш ва янада бошқа масалалар юзасидан фикрлар алмашилди.

Делегация аъзолари шу куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлдилар, ТАСИС экспертлари билан учрашдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

